



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2026 йил 14 апрель, № 73 (9244)

Сешанба Сайтизмизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Акс садо

МОЛИЯВИЙ ЖАРИМАЛАРНИ Қўллаш амалиётида адолат ва шаффофлик таъминланади

Президент Шавкат Мирзиёев 13 апрель куни тадбиркорлик субъектларига нисбатан молиявий жарималарни қўллаш тартибини янада либераллаштириш, бу борада ортиқча бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан суд назорати самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар тақдими билан танишди.

Тақдиротда бугунги кунда молиявий жарималарни қўллаш амалиётида тадбиркорлар учун қатор муаммолар сақланиб қолаётгани қайд этилди. Хусусан, айни пайтда жарималарнинг аксарияти ваколатли органлар, қолганлар эса судлар томонидан қўлланилаётгани суд назоратини кучайтириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан жорий йил 1 октябрдан молиявий жарималарни ихтиёрий тўлашни рағбатлантирувчи янги ва ягона тартибни жорий этиш таклиф қилинди. Унга қўра, тадбиркорлик субъекти ваколатли органнинг қарори топширилган кундан бошлаб бир ой ичида жариманинг 50 фоизини тўласа, қолган қисмини тўлашдан озод этилади.

Шунингдек, жаримани олти ой давомида тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини яратиш назарда тутилмоқда. Бунда қарор топширилганидан

сўнг бир ой ичида жарима суммасининг олтидан бир қисми тўланса, мазкур тартиб автоматик равишда амал қилади.

Суд назоратини кучайтириш мақсадида ваколатли органнинг молиявий жаримани қўллаш тўғрисидаги қарори суд томонидан бекор қилинган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда ундирилган маблағларни 15 кун муддатда қайтариш механизминини белгилаш таклиф этилди. Агар ушбу муддат бузилса, кечиктирилган ҳар бир календарь кун учун Марказий банк асосий ставкасидан келиб чиққан ҳолда фоиз ҳисобланиши назарда тутилмоқда.

Молиявий жарималарни қўллаш жараёнларини рақамлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бизнес-омбудсман томонидан юритиладиган “Ягона давлат назорати” ахборот тизимида тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланилган молиявий жарималарнинг

электрон реестрини жорий этиш таклиф қилинди.

Ваколатли органларнинг қарорлари қабул қилинганидан кейин электрон рақамли имзо билан мазкур тизимга киритилиши шарт бўлади. Ахборот тизимига киритилмаган ва электрон рақамли имзо билан тасдиқланмаган қарорлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ҳамда улар асосида жарима ундирилмайди.

Шунингдек, мобил илова орқали молиявий жарималар ҳисобини юритиш, уларни мониторинг қилиш ва онлайн тўлаш имкониятини яратиш, манфаатдор идораларнинг ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш зарурлиги қайд этилди. Солиқ тўловчи — тадбиркорлик субъектининг шахсий кабинети орқали молиявий жарима тўғрисидаги қарорлар устидан онлайн шикоят бериш ва шикоят киритилиши билан қарор ижросини автоматик тўхтатиб туриш имко-

ниятини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Тақдиротда ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тартибини унификация қилишга қаратилган “Ҳуқуқий таъсир чоралари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш таклифи билдирилди.

Давлатимиз раҳбари тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, уларни қонунга риоя этган ҳолда фаолият юритишга рағбатлантириш, жарима қўллаш амалиётида адолат ва шаффофликни таъминлаш энг муҳим вазифалардан эканини таъкидлади.

Таклифларни пухта ишлаб чиқиб, суд назоратини кучайтириш, рақамлаштиришни жадаллаштириш ва соҳада ягона, аниқ ҳамда адолатли ҳуқуқий механизмни шакллантириш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Ў.А.



САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАРГА ҚАРАТИЛГАН МУЛОҚОТЛАР

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг мамлакатимизга амалий ташрифи қардош икки халқ ўртасидаги тарихий яқинлик, сиёсий ишонч ва умумий келажакка қаратилган қатъий ироданинг амалий ифодаси сифатида тарихга муҳрланди, десак, муболаға эмас.

Зеро, бугунги глобал ўзгаришлар шароитида минтақа давлатлари ўртасидаги ишончли ва барқарор муносабатлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, Бухородаги музокара-лар давомида дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мазкур ташрифининг энг аҳамиятли жиҳатларидан бири унинг фақат сиёсий мулоқот билан чекланмаганида. Автомобил-созлик, логистика, инфратузилма, кимё, геология, энергетика, бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш каби йўналишларда янги ташаббуслар кўриб чиқилгани, транспорт йўлақларини ривожлантириш, чегараолди инфратузилмасини модернизация қилиш

ва ташқи бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш бўйича қўшма чоралар муҳокама этилгани бу ҳамкорликнинг иқтисодий замини тобора мустаҳкамланаётганидан далolat беради. Бу эса икки давлат учун ҳам янги “ўсиш нуқталари”ни очади.

Мулоқот чоғида фақат бугунги иқтисодий манфаатлар эмас, балки эртанги кун тараққиётини белгилаб берувчи соҳаларга ҳам алоҳида ургу қаратилди. Хусусан, “яшил” энергия, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, экологик ташаббуслар, космик технологиялар, рақамлаштириш, электрон тижорат ва стартапларни қўллаб-қувватлаш каби йўналишлар диққат марказида бўлди.



Халқаро анжуман

Ёшлар бандлигига эришишда инновацион ёндашув

Пойтахтимиздаги Ренессанс таълим университетида “Олий таълим ва меҳнат бозори ҳамкорлигини ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар ва ечимлар” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда 20 дан ортиқ давлатлардан 60 нафардан зиёд етакчи олим ва мутахассислар қатнашди.

Қайд этилганидек, ёшлар бандлигини таъминлашда олий таълим тизими ва меҳнат бозори ўртасидаги самарали ҳамкорлик ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Таълим муассасалари томонидан берилаётган назарий билимлар амалий кўникмалар билан уйғунлашган тақдирдагина битирувчилар меҳнат бозорига рақобатбардор кадр сифатида шаклланади.



ФУҚАРОЛАР ОСОЙИШТАЛИГИ ВА ФАРОВОН ТУРМУШ АСОСИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеликларга эътибор қаратилди, шунингдек, қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Фракциялар ҳаёти

Тадбиркорлик субъектлари учун тартибга солиш юқи камайтирилади

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида давлатимиз раҳбарининг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президентининг 11 апрель куни мамлакатимизга амалий ташрифининг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Депутатлар сўнги йилларда Ўзбекистон ва Қозоғистон муносабатлари сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилганини, икки мамлакат ўртасидаги алоқалар на-



фақат стратегик шериклик, балки иттифоқчилик тамойиллари асосида мустаҳкамланаётганини алоҳида қайд этилди.



ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Бугун Марказий Осиё — тараққиётнинг янги ва чинакам бирдамлик босқичида. Бунда, албатта, Ўзбекистон етакчисининг жуда катта ҳиссаси бор. Ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва ҳурмат муҳитини муллақо янги форматда ривожлантириш ташаббускори ҳам, аввало, давлатимиз раҳбари.

Яқинда Президентимиз таклифига биноан Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг амалий ташрифи билан мамлакатимизда бўлгани фикримизни тасдиқлайди. Бу ташриф икки давлат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик кун тартибини янада кенгайтириш ва келажакдаги устувор йўналишларни белгилаб олиш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон — Қозоғистон нафақат иқтисодий шериклар, балки умумий тақдир ҳамда келажак бир, минтақавий яхлитликни таъминловчи эзгу куч сифатида намоён бўлаётир. Мулоқотларда ўзаро

дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Биргаликдаги муваффақиятли лойиҳалар

Қозоғистон етакчисининг мамлакатда янги Конституция бўйича референдум ўтказилганидан кейин биринчи хорижий ташрифининг Ўзбекистондан бошлаши кўп нарсадан далolat беради.



Сенаторлар — ҳудудларда

ДОЛЗАРБ ИЖТИМОЙ МУАММОЛАР ҲАҚИДА

Олий Мажлис Сенати аъзолари республикамизнинг турли ҳудудларида бўлиб, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганмоқда.

Хусусан, Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Сурхондарё вилоятининг Олтинсой, Шўрчи, Қумқўрғон ва Жарқўрғон туманларида аҳолини ўйлантираётган долзарб ижтимоий муаммоларни жойига чиққан ҳолда ўрганди.

Жараёнда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, томорқалар инфратузилмасини ривожлантириш, маҳаллаларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, йўл ҳамда коммунал инфратузилма ҳолати, тиббий ва таълим хизматларидан фойдаланиш имконияти, аҳоли бандлигини ошириш каби масалалар ҳам диққат марказида бўлди. Шу билан бирга, фуқароларнинг муносабатлари ҳам кўриб чиқилиб, масъул идораларга тегишли тавсиялар берилди. Аниқланган муаммоларни тезкор ҳал қилиш бўйича чоралар белгилаб олинди.

Ишчи гуруҳ, шунингдек, Олий Мажлис ҳузурдаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда ҳомийлар кўмағида Олтинсой туманидаги Тўхтамиш маҳалласида барпо қилинган замонавий кўприкнинг очилиш маросимида ҳам иштирок этди.



БУХОРОНИНГ ЯНГИ АЭРОПОРТИ



Бухоронинг янги халқаро аэропорти ва унга туташ инфратузилмани барпо этиш учун шахар ташқарисидан жами **370 гектар** ер майдони ажратилган.

Лойиҳа доирасида аэропортга олиб борувчи умумий узунлиги **23,8** километрни ташкил қиладиган автомобиль йўли ҳам қурилмоқда.

Йўл бўйида **2 та** йўлўтказиқ, **9 та** ер ости пиёдалар ўтиш жойи ва **8 та** кўприк барпо этилиши назарда тутилган.

Лойиҳага кўра, соатига **1200 нафар** йўловчига юқори даражада хизмат кўрсатиш қувватига эга аэровокзал мажмуаси қурилади.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАРГА ҚАРАТИЛГАН МУЛОҚОТЛАР

Шунингдек, Бухоро вилояти ҳокимлиги ситуацион маркази фаолияти билан таъминланган ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу орқали маҳаллий давлат бошқаруви замонвийлаштириш, қарор қабул қилиш жараёнларини тезлаштириш ва ҳудудлардаги муаммоларни реал вақт режимида таҳлил этиш каби ёндашувлар намойиш қилинди. Бундай тажриба алмашуви икки мамлакат ўртасида давлат бошқаруви самарадорлиги бўйича ҳам ўзаро ўрганиш ва ҳамкорлик имкониятларини кенгайтиради.



Орла АТАНИЙЕВА, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

Бундай олий даражадаги учрашувнинг фақатгина музокаралар столи атрофида эмас, балки маданий-тарихий мерос объектлари, музейларда давом эттирилган ҳам кўп нарсадан далолат беради. Олий мартабали меҳмонга Хожа Аҳмад Яссавий ва Робия Султонбегим макбараларига оид ноёб архив ҳужжатлари нусхалари тақдим этилди. Шунингдек, Арк кўргони, Пойи Калон ва Лаби Ҳовуз ансамбллари ташриф буюрилиб, мазкур обидаларнинг тарихи, меъморий хусусиятлари ҳамда умумий цивилизация меросидаги ўрни ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ташриф аяқлари бўйича ҳукуматларга эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш топширилгани эса бу мулоқотларнинг амалий натижага қаратилганини намояндалар.

ЙИЛДАН-ЙИЛГА МУСТАҲКАМЛАНАЁТГАН ҲАМКОРЛИК

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг мамлакатимизга амалий ташрифи Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатлари бугун яхши кўйида, аниқ мақсадлар, ишонч ва умумий стратегик манфаатларга таянаётганини яна бир бор кўрсатди. Бу ташриф икки давлат ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ҳамда иттифоқчилик муносабатлари янада мустаҳкамланаётганининг амалий ифодаси бўлди.

Статистик рақамларга таянсақ, ўтган йили иккала мамлакат ўртасида савдо айланмаси 5 млрд. АҚШ долларига етгани ойдинлашди. Музокараларда ушбу кўрсаткич яқин истиқболда 10 млрд. долларга олиб чиқиш вазифаси қўйилгани, автомобилсозлик, инфратузилма, логистика, электроника, қурилиш материаллари, кимё, геология ва энергетика каби соҳаларда янги ташаббуслар муҳокама қилинган ҳамкорликда янги амалий босқич бошланганидан дарак беради. Бугунги глобал беқарор шaroитда эса айнан ана шундай аниқ иқтисодий кун тартиби давлатлар ўртасидаги муносабатларга мустаҳкам пойдевор яратиши мукярар.

Мамлакатлараро ўзаро савдо ҳажмини ошириш транспорт ва логистика йўналишининг ривожига боғлиқ. Шу боис ташриф давомида айни масалаларга алоҳида урғу берилди. Чегарасолди инфратузилмасини модернизация қилиш, ташқи бозорларга чиқишни таъминлайдиган самарали транспорт йўлақларини шакллантириш, тўсиқларни бартараф этиш ҳақидаги келишувлар бугун Марказий Осиё учун катта аҳамиятга эга. Чунки Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги мустаҳкам алоқа нафақат икки давлат, балки бутун минтақа иқтисодий интеграциясини тезлаштиради. Шу маънода, Бухородаги мулоқотни келажак тараққиёти учун муҳим сиёсий ва иқтисодий сигнал деб баҳолаш мумкин.

Яна бир муҳим жиҳат: ҳамкорлик бугун анъанавий соҳалар билан чекланиб қолмапти. Рақамлаштириш, электрон тижорат, космик технологиялар, стартаплар ва сунъий интеллект каби йўналишлар икки томонлама муносабатлар кун тартибига кирган.

Давлат раҳбарларининг "National AI Hackathon"га ташрифи, стартаплар ҳамда акселераторлар фаолияти билан танишув, ёшларнинг технологик ташаббусларига берилган юқори баҳо шундан далолат берадики, Ўзбекистон ва Қозоғистон келажакни фақат хомашё ёки анъанавий савдо орқали эмас, балки инновация ва билимлар иқтисодиёти орқали ҳам бирга қуришни мақсад қилмоқда.

Муҳими, бугун ҳукуматлараро, парламентлараро ҳамда ҳудудлараро фаоллашгаётган алоқалар эртага оддий фўқаро ҳаётида янги ўринларни, кенгайган бозорлар, тезкор логистика ва юқори технология имкониятлар кўринишида намоён бўлади.

Акселли ТУМШИОВА, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.



Олий даражадаги Бухоро саммити яқунлари:

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Хорижий сиёсатшунос ва таҳлилчилар Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчиларининг учрашуви ҳақида

Дунё нигоҳи

Антонио АЛОНСО, Испаниянинг Сан-Пабло СЕУ университети профессори, Марказий Осиё минтақаси бўйича мутахассис:



— Бухорода бўлиб ўтган олий даражадаги Ўзбекистон ва Қозоғистон саммити икки мамлакат ўртасида кенгайиб бораётган стратегик шерикликнинг ёрқин далилидир. Энг муҳими, етакчиларнинг Ўзбекистон — Қозоғистон мунтазам мулоқот декларатив эмас, балки амалиётга йўналтирилган характерга эга. Аниқ натижалар — товар айирбошлашнинг ўсиши, саноат кооперациясининг кенгайиши ва инфратузилма лойиҳаларининг илгари сурилиши икки томонлама муносабатларнинг барқарор динамикасини аниқлади. Кўрсаткичнинг 5 млрд. АҚШ долларига етгани ва товар

айирбошлашни янада кўпайтириб, 10 млрд. долларга етказиш мақсад қилинган иқтисодий ишонч ва ўзаро манфаатдорлик юқори эканидан далолат беради. Транспорт-логистика соҳасидаги ўзаро боғлиқликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Глобал таъминот занжирларининг ўзгариши шароитида айнан шундай ташаббуслар Марказий Осиёнинг муҳим транзит ва интеграция макони сифатидаги янги геоиқтисодий ролини шакллантиради. Томонларнинг энергетика масалаларини, жумладан, "яшил" энергетика соҳасидаги лойиҳаларни, шунингдек, сув ресурсларидан

оқилонга фойдаланишни биргаликда ҳал этишга интилиши ҳам ижобий натижалар бермоқда. Бу йўналишлар бутун минтақанинг барқарор ривожланиши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Рақамлаштириш ва электрон тижоратдан тортиб космик технологияларга бўлган инновацион соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу икки томонлама ҳамкорлик сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилганидан далолат беради.

Алёна ПАВЛЕНКО, озарбайжонлик таникли сиёсатшунос ва журналист:

— Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг Ўзбекистонга амалий ташрифи икки мамлакат ўртасида сўнгги йилларда шаклланган юқори ишонч ва стратегик яқинлашувнинг мантиқий давоми сифатида баҳоланмоқда.



Хусусан, Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2026-2027 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурининг имзоланиши ва мунтазам юқори даражадаги мулоқотлар давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси амалий натижаларга айланганлигини кўрсатмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик бу жараёнда асосий ўринни эгалламоқда. 10 млрд. долларлик товар айирбошлаш мақсади нафақат рақам, балки саноат кооперациясини янада чуқурлаштиришга қаратилган стратегик вазифадир.

Шунингдек, транспорт ва логистика соҳаси ҳамкорлигининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланмоқда. Икки давлат темир йўл тармоқлари ва чегара инфратузилмасини ривожлантириш орқали Яқин Шарқ, Жанубий Осиё ва Европа бозорларига чиқиш имкониятларини кенгайтиришга интиляпти. Чегара ҳудудида барпо этилаётган "Марказий Осиё" халқаро саноат кооперацияси маркази ҳам муҳим лойиҳалардан бири

ҳисобланади. Ушбу марказ трансчегаравий бизнесни ривожлантириш ва саноат интеграциясини тезлаштиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, 2026 йил 3 апрель куни Тошкент вилоятида замонавий кўп тармоқли логистика марказини қуриш бўйича "ЕPC" шартномаси имзоланди. Лойиҳа "PTC Holding", "Ўзбекистон темир йўллари" ва "China Railway Construction Engineering Group" иштирокида ташкил этилган "Silkway SA" қўшма корхонаси томонидан амалга оширилмоқда.

Лойиҳанинг биринчи босқичига 84 млн. доллар сармоа киритилиши кўзда тутилган бўлиб, у темир йўл инфратузилмаси, контейнер терминали ва замонавий логистика хизматларини ўз ичига олади.

Сув ресурсларини бошқариш йўналишида ҳам ҳамкорлик мустаҳкамланяпти. 2025 йил ноябрь ойида имзоланган трансчегаравий сув объектлари бўйича битим сувдан самарали фойдаланиш, маълумот алмашиш ва фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш механизмларини белгилайди. Энергетика соҳасида ҳам янги ташаббуслар илгари сурилмоқда. Жумладан, Қирғизистонда Норин дарёсида қурилаётган "Қамбарота ГЭС-1" лойиҳаси муҳокама қилинмоқда.

Умуман олганда, бу жараёнлар Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб, нафақат икки томонлама, балки бутун Марказий Осиё учун муҳим аҳамият касб этаётганини кўрсатмоқда.

Александр ВОРОБЬЕВ, Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти илмий ходими, Жамоат дипломатияси ва жаҳон сиёсатини таҳлил қилиш маркази директори:



— Президент Қосим-Жомарт Тоқаевнинг Бухорога ташрифи Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни янада жадал ривожлантириш мантиқига мос келади.

Тошкент ва Остона муносабатлари Марказий Осиёдаги минтақавий интеграциянинг ўзаги бўлиб, у бугунги кунда кенг қамровли характерга эга. Бу нафақат икки давлат ўртасидаги савдо, балки саноат кооперацияси, қўшма корхоналар фаолияти, минтақадан ташқарига қилинган умумий транспорт-логистика лойиҳалари, сувдан фойдаланиш масалалари ва юқори технологиялар бўйича ҳамкорликдир.

Қозоғистон раҳбарининг ташрифи ҳам иқтисодий ва сиёсий масалалар борасида вақтни тўғрилаш, ҳам ҳамкорликни янада жадаллаштириш йўлида шароит яратиш учун муҳим аҳамиятга эга. Қозоғистон етакчиларининг мулоқот клуби бош қотиби:

— Қозоғистон Президенти амалий ташрифи чоғида икки давлат раҳбарлари минтақавий алоқаларни мустаҳкамлашни кенг қўламли масалаларни муҳокама этди. Бироқ дастурий бойитиш учун улар ташрифи Баҳроуддин Нақшбанд мажмуаси каби маданий объектларни зиёрат қилишдан бошладилар. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Президенти Марказий Осиёда биргаликдаги харакатнинг янги формати ташаббускори сифатида яқин кўришни билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга доимо алоҳида аҳамият беради. Бундан ташқари, Қозоғистон билан ҳамкорлик ишончли ўсишни кўрсатмоқда. Ўзаро савдо ҳамжи йилига 5 млрд. долларга яқинлашмоқда. Ўзбекистон компаниялари Қозоғистонда ўз ваколатхоналарини фаол равишда очиб, минтақаддаги ишбилармонлик мувозанатини ўзгартирмоқда. Мамлакатлар ўзаро сав-

ҳисининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида ҳамкорликнинг юқорида қайд этилган асосий йўналишларини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Геосиёсий ноаниқлик шароитида Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарияти икки томонлама алоқаларни фаоллаштириш орқали ҳам икки мамлакат тараққиётига алоқий таъсир кўрсатадиган, ҳам бутун минтақанинг барқарорлиги ва барқарор ривожланишига ижобий таъсир кўрсатадиган қўшма ҳамкорликни тезлаштиради.

до ҳажмини 10 млрд. долларга етказишни мақсад қилган.

2026 йил апрель ойида Самарқандда "маданий кўприклар"ни мустаҳкамлашга қаратилган икки мамлакат илмий-ижодий збёилишларининг иккинчи форуми бўлиб ўтди.

Шу билан бирга, бугунги кунда Ўзбекистон ва Қозоғистон сунъий интеллект равнақига қаратилган миллий дастурларни фаол ривожлантиришда ва сунъий интеллект бўйича умумийли хакатонга биргаликда ташриф буюриш режалари ушбу долзарб йўналишдаги қўшма ҳамкорлик режаларини аққол далолат беради.

«Дунё» АА.

ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Авалло, ҳудудларда мунтазам равишда норасмий учрашувлар ўтказиш яхши анъаналарга айлиб, бу икки томонлама ва минтақавий долзарб масалаларнинг очик ҳамда конструктив муҳокама-сига хизмат қилляпти. Барча даражалардаги алоқалар, жумладан, ҳукуматлараро ва парламентлараро ҳамкорлик фаоллашди. Товар айирбошлаш барқарор ўсиб, ўтган йили 5 млрд. АҚШ долларига етди. Автомобилсозлик, инфратузилмани ривожлантириш, логистика, электротехника, қурилиш материаллари ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга ошириляпти. Қолаверса, чегараолди инфратузилмани модернизациялаш, тўсиқларни бартараф этиш ҳамда ташқи бозорларга чиқишни таъминлайдиган самарали транспорт йўлақларини яратиш бўйича қўшма чора-тадбирлар амалга ошириляётгани диққатга сазовор.



Осиё мамлакатлари билан умумий ҳисобда 7 млрд. АҚШ долларига тенг ўзаро савдосининг 60 фоизи Қозоғистонга тўғри келади. Айни пайтда Ўзбекистон — Қозоғистон ўртасидаги ўзаро савдо Марказий Осиёдаги ҳудудий ички савдонинг 25 фоизини ташкил қилади.

Давлат раҳбарлари Бухорода ташкил этилган, минтақани ҳар томонлама мониторинг қилиш ҳамда реал вақт режимида бошқаришни таъминлайдиган замонавий вазият марказига ташриф буюрди. Бу ерда минтақа фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича маълумотлар тўпланади, қайта ишланади ва тизимли

Иқтисодий мустақиллик калити

Дарвоқе, икки давлат етакчилари транспорт алоқаларига алоҳида эътибор қаратиб, уни бутун Марказий Осиё учун иқтисодий мустақилликнинг калити, дея таърифлашди. Ушбу стратегия марказида чегара терминалларини модернизациялаш ҳамда Транскаспий халқаро транспорт йўналиши салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсади турганини таъкидлаш жоиз, албатта. Ўтган йили Қозоғистон етакчиси Ўзбекистонни Оқтау ҳамда Қуриқ портларини кенгайтириш лойиҳаларига қўшилишни таклиф қилди, бу эса ўрта йўлакнинг ривожланишига тўғри беради.

Шу билан бирга, Форс кўрфазиди ҳамкорлик туфайли номаълум муддатга тўхтатилган Шимол — Жануб каби истиқболли йўналишларни мониторинг қилиш давом этмоқда. Афғонистон ҳамда Покистондаги ва-

чинакам интеграцияга олиб борадиган ягона йўлдир. Бу жараёнда таҳлил марказлари ўртасидаги мулоқот алоҳида роль ўйнайди. Ўзбекистон Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Қозоғистон стратегик тадқиқотлар институти алоқачон қўшма экспертлар кенгашини тўзган. Унинг биринчи йиғилиши бу йил Тошкентда бўлиб ўтди, унда етакчи таҳлилчилар давлатлараро алоқаларни чуқурлаштириш бўйича аниқ тавсиялар тайёрлайди.

Умумий тарихга ҳурмат белгиси

Ташриф давомида Қозоғистон Президенти ноёб архив материалларининг нусхалари ҳам кўрсатилди. Бу Ўзбекистонда аниқланган, Туркистонда жойлашган Хожа Аҳмад Яссавий ва Мирзо Улуғбекнинг қизи Робия Султонбегим макбараларига алоқадор 1920 — 1950 йилларга оид қимматли ҳужжатлар, чизмалар ва фотоматериаллардир. Қардош қозоқ халқига ҳамда икки мамлакатнинг умумий тарихига ҳурмат белгиси сифатида ушбу архив ҳужжатларининг нусхалари Қозоғистон томонига ҳадя қилинди. Ҳозирги кунга қадар асарияти илмий муомалага киритилмаган бу материаллар катта тарихий ва илмий аҳамиятга эга. Ноёб меъморчилик ёдгорликлари бўлган Аҳмад Яссавий ҳамда Робия Султонбегим макбаралари Марказий Осиё халқларининг умумий тарихий-маданий меросида алоҳида ўрин тутди.

Ўзбекистон Қозоғистон билан сунъий интеллектни ривожлантириш масаласига ҳам устувор аҳамият қаратмоқда. Етакчилар Бухоро шаҳрининг универсал спорт мажмуасида ўтказилаётган "National AI Hackathon" — сунъий интеллект бўйича умумийли хакатонга ташриф буюриши ҳам шундан далолат беради.

Мазкур тадбир давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда сунъий интеллект экотизимини ривожлантириш бўйича амалга ошириляётган изчил сиёсат доирасида ташкил этилди. Бу ерда рақамлаштириш ҳамда сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш борасидаги ишлар таҳсинга сазовор. Хусусан, "Рақамли ҳуқумат" тизими, транспорт, божхона, солиқ, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, энергетика, геология, қурилиш ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларидаги ечимлар киши эътиборини ўзига тортади. Ушбу соҳаларни рақамлаштириш давлат бошқаруви самарадорлигини ошириб, аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Обиджон ҲАМИДОВ, Бухоро давлат университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

“Маълумот учун айтиш мумкинки, ҳозирги кунда мамлакатларимиз биргаликда 1,8 млрд. долларлик 78 та лойиҳани амалга ошираётир. Энергетика, кимё, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва машинасозлик соҳаларидаги йирик лойиҳалар диққат марказида. Қурилиш сектори ва логистика инфратузилмасини ривожлантириш ҳам устувор вазифалар бўлади.”

равишда таҳлил этилади. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инвестиция қилишни яхшилаш ва раҳбарлар ўртасида шахсий жавобгарликни ошириш имконини беради.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида икки давлат раҳбарларининг учрашуви давомида эришилган келишувлар ижроси таъминлангани боис барча даражаларда алоқалар фаоллашди. Бироқ ҳозирги 5 млрд. долларлик савдо айланмаси орқали босқич ҳисобланади. Чуқур саноат ҳамкорлиги ўсишни таъминлаши кутилмоқда.

Маълумот учун айтиш мумкинки, ҳозирги кунда мамлакатларимиз биргаликда 1,8 млрд. долларлик 78 та лойиҳани амалга ошираётир. Энергетика, кимё, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва машинасозлик соҳаларидаги йирик лойиҳалар диққат марказида. Қурилиш сектори ва логистика инфратузилмасини ривожлантириш ҳам устувор вазифалар бўлади.

зият барқарорлашгандан сўнг жанубий темир йўл векторлари ҳам қайта тикланади. "Ақли", зулуқсиз йўлакларини яратиш икки мамлакат иқтисодиётини глобал савдо занжирларига қулай шартларда бирлаштиради.

Барча саъй-ҳаракатларни тизимли равишда бирлаштириш Марказий Осиёга стратегик мақсадлар учлигига эришиш имконини беради. Биринчидан, минтақа геосиёсий объектдан мустақил ҳамда таъсирчан куч марказига айланади. Иккинчидан, инвестиция жозибадорлигида сифат жиҳатдан сакраш бўлади. Учинчидан, ўз ишлаб чиқаришимиз ва инсон капиталини ривожлантириш орқали ташқи қийнчиликларга қарши иммунитетимизни мустаҳкамлаймиз.

Синхронлаштирилган модернизация нафақат сиёсий танлов, балки Глобал ноаниқлик даврида яхши кўйишчилик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш Марказий Осиёнинг асосий ресурсига айлиб бормоқда. Минтақамизда кечаётган жараёнлар — бу онгли ҳамда ортга қайтмас танлов. Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатлари янги поғонага кўтарилиши икки қардош халқнинг узоқ муддатли манфаатларига тўла жавоб бериши билан бирга, минтақадда тинчлик, барқарорлик, хавфсизлик ва жадал тараққиётни таъминлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

ЁШЛАР БАНДЛИГИГА ЗРИШИДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ



1 Тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Баҳром Абдуллаев Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев томонидан олий таълим тизими ва меҳнат бозори ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида белгилаб берилган устувор вазифалар борасида фикр билдирди.

Сенатор ўз сўзида мазкур йўналишда амалга ошириладиган изчил ислохотлар, жумладан, таълим мазмунини замонавий талаблар асоси-

да янгилаш, инновацион ёндашувларни кенг жорий этиш, иш бериувчлари билан ўзаро ҳамкорликни мустақамлаш ҳамда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Таъкидланганидек, ушбу конференция иштирокчилар ўртасида илмий тажриба алмашиш, янги ёндашувларни шакллантириш ҳамда истиқболли халқро ҳамкорликни ривожлантириш учун муҳим майдон бўлиб хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

«ЯШИЛ» ТАРАҚҚИЁТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ФАОЛИЯТ

Жорий йилнинг биринчи чораги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси учун муҳим давр бўлиб, мамлакатнинг «яшил» иқтисодиётга ўтиш жараёнларини тезлаштириш фракция фаолиятида, депутатларнинг аҳоли билан мулоқотида энг устувор масалага айланди.

«Халқни эшитиш — қонун ижодкорлиги — халққа етказиш» тамойили асосида ҳар бир янги қонунда халқчиллик сифатини акс эттириш билан бирга, экологик талаблар нўқтаи назардан фракция муҳокамага ҳам ўтказилмоқда. Юртимизнинг ҳар бир ҳудудида олиб бориладиган ўрганишлар давомида аҳолини қўйналган нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки экологик муаммоларга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Сайловчилар кўтарган ҳар бир масаланинг ечими бўйича фракция аъзоларининг шахсий жавобгарлиги белгиланган.

Тахлил

Сўнги йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликнинг олдини олиш масалаларига мамлакатимизда жиддий эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга ошириладиган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси, яқинда тарт берилган 2026 — 2030 йилларга мўлжалланган «Тоза ҳаво» умуммиллий лойиҳаси каби стратегик дастурларнинг жойлардаги ижросида сайловчилар билан бирга фаол иштирок этишга барча депутатларимиз бел болаган.



Яқинда Президентимиз «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш тадбирида қатнашиб, Тошкент шаҳрининг «мусаффо ўлкаси»га айланishi кутилаётган Миллий дендрология боғини барпо этишга тарт берар экан, бу ишларда депутатлар фаоллигини оширадиган кучли мотивациони эълон қилди. Яъни эндиликда ҳудудларда яшил боғлар яратиш бўйича аҳоли ва депутатлар иштироки янада кенгайди.

Илгари «Менинг боғим» дастури доирасида ҳар бир лойиҳага бюджетдан 250 млн. сўмгача маблаг берилган бўлса, энди бу миқдор 400 млн. сўмга оширилди. Ҳар бир яшил боғ ва жамоат парки учун аҳоли ўзи танлаган, яшаш ҳудудларига яқин ва энг муҳими, сув таъминоти мавжуд ҳудуддан 1 гектаргача ер ажратилади. Бу йилги мавсумдан Қўнунчилик палатасининг ҳар бир депутати ҳам ўз округида яшил ҳудуд ва яшил боғ яратиш учун 412 млн. сўмдан маблаг берилди. Бу, айниқса, бизнинг фракция ва депутатларимиз учун катта имконият ва масъулиядир.

Фракциямиз аъзоларини халққа яқинлаштирадиган, ҳудудлардаги кўнлаб ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимида катта рағбат бўлган муҳим жараён — Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутатларининг жорий йилда илк бор «Ташаббусли бюджет»да иштирок этиши бўлди. Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 29 августдаги «Ташаббусли бюджет жараёнларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида март ойининг сўнги ҳафтаида Экологик партиядан сайланган Қўнунчилик палатаси депутатлари сайлов округларида маҳаллама-маҳалла ўрганишлар олиб борди. Халқ вакиллари ҳудудларда «Ташаббусли бюджет» жараёнлари доирасида голиб бўлмаган, аммо аҳоли учун долзарб ҳисобланган лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратиб, уларнинг муҳимлиги, одамлар учун қай даражада аҳамиятли эканини обдан ўрганди.

Қайси лойиҳа ижтимоий аҳамияти жиҳатдан энг долзарб, ҳудуд раванки учун жуда муҳим бўлса, ушанга эътибор қаратди. Шу мезонлар асосида фракциямиз аъзолари энг долзарб 16 та лойиҳани танлаб олишди. Қайд этиш лозимки, бунда депутатлар аҳоли билан маслаҳатлашди. Натижада Экологик партиядан сайланган депутатлар 25 млрд. 600 млн. сўмдан ортқ маблагни ҳудудларда сайловчилар манфаатларига хизмат қилувчи лойиҳаларга йўналтиришди.

Мисол учун, маҳалла ички ва ташқи йўллارини асфальтлаш бўйича 5 та, ижтимоий соҳага оид 3 та, битта мактаб ва иккита мактабга таълим ташкилотини қамраб олган лойиҳалар саралаб олинди. Шунингдек, ичимлик суви таъминотини яхшилаш, кутубхона қуриш, «Ёшлар медиамаркази» фаолиятини йўлга қўйиш, марказий стадионга суний қопламали замонавий газон ётқизишга оид 6 та соҳавий лойиҳа ҳам депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Фракциямизнинг жорий йил бошидан буён қонун ижодкорлиги, аҳоли билан мулоқот қилиши, депутатлик назорати бўйича амалга оширадиган ишлари эътиборга молик. Хусусан, ўтган даврда фракциямиз аъзолари Қўнунчилик палатасида кўриб чиқиш учун киритилган битта қонун лойиҳасига ҳам ташаббускор бўлди. Шу билан бирга, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш йўналишидаги муносабатларни тартибга солиш, атроф-муҳит мониторингини самарадорлигини кўтаришга қаратилган 5 та яхлит қонун лойиҳаси устида иш олиб борилди. Шунингдек, Қўнунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритилган 6 та қонун лойиҳасига фракциямиз аъзолари масъул бўлди.

Уларни жойларда кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш мақсадида фракция ташаббуси билан ишлаб чиқилаётган ҳамда Қўнунчилик палатасида кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларини тартибга солиш, аҳоли билан мулоқот қилиш мақсадида кенг муҳокамадан ўтказиш, таништириш, бу бўйича асосли, аниқ хулоса ва таклифларни олиш йўлга қўйилди. Ҳар ойнинг сўнги ҳафтаида сайлов округларида ўтказилаётган учрашувлар эса Қўнунчилик палатасида кўриб чиқилаётган қонун лойиҳалари ва қабул қилинган янги ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини сайловчиларга етказишда муҳим ўрин тутмоқда.

Фракция томонидан назорат-тахлил фаолияти доирасида 4 та тадбир ўтказилди. Улардан биттаси давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг акборотини эшитиш юзасидан, ўчтаси қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларга мувофиқ фракция йўналишларида дастлабки тарзда кўриб чиқилган масалалар хусусида бўлди. Бундан ташқари, фракция аъзолари томонидан Қўнунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда назорат-тахлил тадбири ўтказилиб, уларда жамият ҳаёти учун муҳим бўлган қонун лойиҳаларининг ижро этилиши ҳолати, жойлардаги мавжуд тизимли муаммолар, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб бориладиган ислохотлар самарадорлиги атрофида ўрганиб борилди.

Оқорида айтганимиздек, ҳар ойнинг охириги ҳафтаида фракция аъзоларининг ўз сайлов округларида ўрганишлар олиб бориши ҳамда аниқланган муаммо ва камчиликлар юзасидан дав-

лат ҳамда ҳўжалик бошқаруви органлари мансабдор шахсларига депутат сўрови бориши амалиёти жамоатчилик назорати институтининг яққол қўринишига айланди.

Фракциямиз депутатлари ўз сайлов округларида мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини сайловчиларга етказиш, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббусларни тарғиб қилиш ҳамда жойлардаги долзарб масалаларни ўрганиш бўйича фаол иш олиб бормоқда. Жумладан, йил бошидан буён ўтказилган ўрганишлар давомида 169 та маҳалла фуқаролар йиғини, 103 та хонадонга бориб, 522 та учрашув ўтказилди. Уларда 10 160 нафар фуқаро, жумладан, 260 нафар тадбиркор билан бевосита учрашув ва мулоқотлар ташкил этилди. 171 та ижтимоий соҳа объектларининг фаолияти таҳлил-таҳлилий тарзда кўриб чиқилди. Учрашувлар давомида сайловчилар кўтарган 124 та масала бўйича депутатлар томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида уларнинг аксарияти жойида ҳал этилди.

Партиямиз ҳамда фракциямиз экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналишидаги ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини аниқ белгилашга қаратилган қонун лойиҳалари устида фаол иш олиб борапти. Жумладан, чиқиндиларни бошқариш тизимини замонавий талаблар асосида ташкил этиш, уларни қайта ишлаш ва экологик хавфини камайтириш мақсадида «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири, атроф-муҳит ҳолатини тизимли кузатиш ва баҳолаш механизмларини такомиллаштириш мақсадида эса «Атроф-муҳит мониторингини тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Фракциямиз келгусида ҳам мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотларга қамарбаста бўлиб, қонунлар, Президентимизнинг қарор ва фармонлари ижроси устидан тизимли парламент назоратини амалга ошириш мақсад қилган. Бу борда ижро ҳокимияти органлари билан самарали ҳамкорликни изчил давом эттиради. Пировардида буларнинг барчаси мамлакатимиз тараққиёти ва эртанги кунини учун мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Абдушукур ҲАМЗАЕВ,
Олий Мажлис Қўнунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари.

ДОЛЗАРБ ИЖТМОИЙ МУАММОЛАР ЎРГАНИЛДИ

1 Тадбир давомида сенатор маҳаллаларда «хавфсиз ҳудуд» тамойилига тўлиқ ўтиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, фуқароларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги иштирокини кучайтириш масалаларига алоҳида ургу берди.

Ишчи гуруҳ томонидан илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар асосида жиноятчиликни қисқартириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳамда хавфсиз яшаш муҳитини шакллантиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланди.

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Сайёра Абдикаримова бошчилигидаги ишчи гуруҳ эса Урганч туманида аҳоли учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳудуд инфратузилмасини янада такомиллаштириш ҳамда фуқаролар фаровонлигини ошириш-

га қаратилган масалаларни изчил ўрганди.

Унда аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, уларни қўйнал келадиган долзарб ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш масалаларига эътибор қаратилди. Шунингдек, кам таъминланган ҳамда ногиронлиги бўлган фуқаролар ҳолидан хабар олиниб, уларнинг муаммолари тингланди.

Ёшлар учун замонавий ва қулай муҳит яратиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш масалалари ҳам эътибор марказида бўлди. Хусусан, туманда фуқаролар учун дам олиш масканларини кенгайтириш, янги сайилгоҳлар ва замонавий истироҳат боғлари яратиш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Ўрганиш якунида айтилган таклиф ва ташаббусларни тизимли равишда кўриб чиқиш ҳамда уларни босқичма-босқич амалга ошириш имкониятлари муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

ФУҚАРОЛАР ОСОЙИШТАЛИГИ ВА ФАРОВОН ТУРМУШ АСОСИ



1 Фракция раҳбари Ақтам Ҳайтов мазкур таширф икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик кун тартибини янада кенгайтириш учун муҳим қадам бўлганини ҳамда ўзаро стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари тарихида янги босқични бошлаб берганини таъкидлади.

Йиғилишда Президентимизнинг пойтахтимиздаги Амир Темури хиббонига ҳамда Темурийлар тарихи Давлат музейига таширфларнинг аҳамияти хусусида ҳам фикр алмашилди.

Фракция аъзолари томонидан кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — тадбиркорлик субъектлари учун тартибга солиш юқини камайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди.

Ушбу ҳужжат билан Иқтисодий процессуал ҳамда Солиқ кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Жумладан, солиқ тўлови бўлган тадбиркорлик субъекти ўзининг солиққа оид ҳуқуқбузарлигини тан олган ҳамда эътироз билдирмаган тақдирда, унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органлари томонидан амалга оширилиши белгиланяпти.

Ҳуқуқбузарлик бартараф қилинганда ҳисобварақ фаолиятига қўйилган чекловни бекор қилиш ҳам солиқ органи томонидан бажарилиши таклиф этилмоқда. Бундай янги тартиблар қондабузилишларни тез фурсатда бартараф қилиш ва тадбиркор фаолиятини қиска вақтда қайта давом эттириш имконини беради.

Шу билан бирга, солиқ тўловчи солиқ органининг қарори юзасидан эътироз билдирса, унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органининг аризациясига асосан иқтисодий суд томонидан амалга оширилади.

Муҳокама давомида фракция аъзо-

лари қонун лойиҳасининг аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, ундаги айрим нормалар бўйича қонун ташаббускорларига аниқлаштирувчи саволлар берди. Мутасаддилар барча саволларга тушунтириш бериб ўтди.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасининг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг барқарорлигини таъминлашга йўл очиниши эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватлади.

Уюшган жиноятчилик учун чоралар кучайтирилмоқда

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси йиғилишида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига уюшган ва жамоат жойларидagi жиноятчиликка қарши курашишнинг жиноий-ҳуқуқий механизмларини янада кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Йиғилишда қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурати ҳақида сўз юритилиб, сўнги йилларда безорилик билан боғлиқ жиноятларнинг уюшган тарзда содир этилиши ҳолатлари кузатиладигани, мазкур тартибга қилишлар нафақат жамоат тартибини бузишга, балки аҳоли орасида хавотир уйғотишга сабаб бўладигани таъкидланди. Бу эса ушбу йўналишдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қайта кўриб чиқишни тақозо қилади.

Айтилганидек, амалда уюшган гуруҳлар томонидан содир этилган безорилик учун кўп ҳолларда енгил жазо тайинланмоқда. Бу эса жазосизлик муҳити шаклланишига олиб келяпти. Шу сабабли, қонун лойиҳасида безорилик жинояти учун жазо чоралари оғирлаштирилмоқда. Хусусан, қонун лойи-

ҳаси билан безориликнинг турли шакллари, жумладан, бир гуруҳ шахслар томонидан, тақдоран, қурол ишла-тиб ёки жамоат тартибини сақлаётган шахсларга қаршилик кўрсатган ҳолда содир қилинган қилмишлар учун жазо-лар оғирлаштирилмоқда. Шунингдек, уюшган гуруҳ томонидан ёки баданга оғир шикаст етказган ҳолда содир этилган безорилик учун алоҳида жа-вобгарлик белгиланмоқда.

Бундан ташқари, лойиҳада жанговар спорт турлари соҳасидаги ҳуқуқбузар-ликларнинг олдини олишга ҳам алоҳи-да эътибор қаратилган. Жанговар спорт турлари бўйича мусобақаларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш жиноий жавобгарликка са-баб бўлиши, унда қатнашганлар эса маъмурий жавобгарликка тортилиши белгиланмоқда.

Фракция аъзоси Жуманазар Отажон-новнинг таъкидлашича, мазкур қонун лойиҳаси мамлакатимизда уюшган жиноятчиликка қарши курашиш самара-дорлигини ошириш, жамоат жойлари-да хавфсиз муҳитни таъминлаш, кри-миноген вазиятни барқарорлаштириш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш-га қаратилган ҳуқуқий чораларни кучайтиришга хизмат қилади.

Жамоат жойларида хавфсиз муҳит таъминланади

«Адолат» СДП фракцияси йиғилиши-да дастлаб Президентимиз раислиги-да жисмоний тарбия ва спорт соҳаси-ни янги босқичга олиб чиқиш, аҳолини оммавий спортга кенг жалб этиш ма-салалари юзасидан ўтказилган видео-селектор йиғилишининг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Депутатлар соҳада белгиланган ус-тувор вазифалар нафақат спорт нати-жаларини яхшилаш, балки яқинда қабул қилинган «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қўнуннинг амалда сама-ралли татбиқига ҳамда бу орқали аҳоли саломатлигини мустақамлаш, ёшлар-ни баркамол авлод этиб тарбиялашга хизмат қилишини қайд этди.

Йиғилишда уюшган ва жамоат жой-ларидаги жиноятчиликка қарши ку-рашиш механизмларини кучайтириш-га қаратилган қонун лойиҳаси обдан муҳокама қилинди.

Бу билан Жиноят кодексига жиноий уюшма фаолиятини молилаштирган-лик учун алоҳида жавобгарлик киритиш, бундай шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни қўлламаслик на-зарда тутилмоқда.

Амалдаги қонунчиликда жиноий уюшма ташкил этиш ёки унга раҳбар-лик қилиш учун жавобгарлик мавжуд бўлса-да, мансаб ваколатларини суи-истеъмол этган ҳолда жиноий уюшма-ларга ҳомийлик қилиш учун жавобгар-лик назарда тутилмаган эди. Қонун лойиҳаси билан мансаб ваколатлари-ни суиистеъмол этган ҳолда жиноий уюшмаларга ҳомийлик қилганини учун ҳам жавобгарлик белгилан таклиф этилмоқда.

Муҳокама давомида фракция аъзо-лари қонун лойиҳасининг мазмун-мо-ҳияти юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсияларини билдирди.

— Ушбу ҳужжат мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш ҳамда жи-

лар 50 минг нафардан ортқ ногирон-лиги бор фуқаролар учун пенсия олиш жараёнини соддалаштириш имконини беради. Бу эса партия томонидан ил-гари сурилган, аҳолининг эҳтиёжман-д қатламини ортқча овозгарчиликлар-дан халос этишга қаратилган ташаб-бусларнинг амалий ифодаси бўлади.

Депутат Жамол Ачилоннинг фикри-ча, қонун лойиҳаси нормаларнинг аниқ-лиги билан ажралиб туради ва унинг қабул қилиниши партия электорати манфаатлари ҳимоясида муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, йиғилишда «Судьялар ҳамжамияти тўғрисида»ги қонун лойи-ҳаси ҳам муҳокама қилинди. Қайд этил-ганидек, сўнги йилларда сўз тизими босқичма-босқич такомиллаштирилиб, у жазолловчи органдан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи муста-қил институт сифатида шаклланди.

Бироқ таҳлиллар судьялар ҳамжа-мияти органларининг ҳуқуқий мақоми, вазифа ва ваколатларини комплекс тарзда белгилайдиган ягона қонун ма-вжуд эмаслигини кўрсатган. Янги қонун лойиҳаси айнан шу бўшлиқни бартара-ф этишга қаратилган бўлиб, унда мазкур органларнинг турлари, ҳуқуқий мақоми ва функциялари аниқ бел-гилаб қўйилмоқда.

Муҳокама давомида фракция аъзо-лари ҳорижий тажрибани жорий этиш-да миллий хусусиятларни инобатга олиш зарурлигини таъкидлашди. Де-путат Дилрабо Мамажанова қонун нор-маларининг ҳарбий судларга татбиқ қилиниши юзасидан аниқлаштирувчи савол билан мурожаат қилди. Ташаб-бускорлар эса қонун барча судья ма-қомига эга шахсларни қамраб олиши-ни айтди.

Муҳокама якунида барча қонун лойиҳалари фракция томонидан қўллаб-қувватланди.

Ногиронлик пенсиясини тайинлашда янги тартиб

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида пенсияга оид хизматларни кўрсатиш тизимини тако-миллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан ногиронлик пенсиясини фуқаро-лардан алоҳида мурожаат талаб этма-ган ҳолда, яъни проактив тарзда тайинлаш белгиланмоқда. Шу билан бирга, I ва II гуруҳ ногиронлик пенсия-си тайинланганидан кейин каммида бир йил иш стажига эга бўлган пенсионер-нинг пенсиясини ҳар икки йилда бир маротаба қайта ҳисоблаш ҳам фуқаро-нинг мурожаатини талаб қилмасдан (проактив шаклда) амалга оширилиши назарда тутилмоқда. Қонун лойиҳаси-даги нормалар фракция аъзолари то-монидан қизгин муҳокама этилди.

— Бугунги кунда аҳолига давлат хиз-матларини кўрсатишда замонавий ра-қамли технологияларни кенг жорий қилиш, инсон омиллини камайтириш, фуқароларга қулайлик яратиш долзарб аҳамият касб этмоқда, — дейди фрак-ция аъзоси Нонба Иноятова. — Қонун лойиҳасида белгиланётган нормалар ногиронлиги бўлган шахсларнинг пен-сия таъминоти бўйича ҳуқуқ ва манфа-атларини янада кучайтиришга, пенсия тайинлаш ва қайта ҳисоблаш жара-ёнларини соддалаштиришга хизмат қилади.

Савол-жавоб ва мунозаралардан сўнғ қонун лойиҳаси фракция аъзо-лари томонидан қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда кўриб чиқилган «Судья-лар ҳамжамияти органлари тўғрисида»-ги қонун лойиҳаси муҳокамаида қайд этилганидек, ушбу ҳужжат билан судьяларнинг малака даражаларини бериш, интизомий ишларни кўриб чи-қиш ҳамда ваколатларни тўхтатиб ва тугатиш тартиблари ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланмоқда. Малака ҳайъати томонидан қўлланилиши мумкин бўлган интизомий чоралар қаторига оғох-лантириш, малака даражасини па-сайтириш, қуйи лавозимга ўтказиш ва ваколатларни муддатидан илгари тугатиш каби чоралар киритилмоқда.

Фракция аъзоси Дилдора Камоло-ваннинг таъкидлашича, қонун лойиҳаси билан судьялар ҳамжамияти органла-рининг турлари, уларнинг ҳуқуқий ма-қоми, вазифа ва функциялари аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

«Халқ сўзи».

ВАТАНГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ — МУҚАДДАС БУРЧ ВА ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва янгиланишларда ижтимоий фаол аёлларнинг ўрни бекиб. Сўхбатдошимиз — фуқаролик жамияти институтларининг шаклланишида ўзига хос тажрибага эга шахс, “Sharq ayoli” халқаро аёллар жамоат фонди асосчиси ва бошқаруви раиси Саодат ТУРСУНБОЕВА.

“Sharq ayoli” бугун соғлиқни сақлашдан тортиб, рақамли иқтисодиёт ва интеллектуал мулкни ҳимоя қилишга бўлган энг долзарб йўналишларда давлатнинг стратегик ҳамкорига айланган.

Асли касби муҳандис-физик бўлган сўхбатдошимизнинг фаолияти илм-фан ва ижтимоий

менежментнинг уйғунлиги билан ажралиб туради. У қатор нуфузли халқаро ташкилотларнинг фахрий аъзоси, интеллектуал мулк соҳасида халқаро эксперт сифатида АҚШ, БАА, Россия ва бошқа давлатларда ўтказилган тадбирларда қатнашиб, диплом ва сертификатлар билан тақдирланган. Шунингдек, “Илмий ҳамкорликни ривожлантириш учун” Халқаро “Знание” ассоциациясининг олтин медалига сазовор бўлган. ЮНЕСКО томонидан “Марказий Осиёнинг машҳур аёллари” рўйхатида киритилган. Кўп йиллик фидокорона меҳнати ва муҳим ижтимоий ташаббуслари учун “Шўхрат” медаллари ҳамда “Муътабар аёл” кўкрак нишони билан мукофотланган. 2020 йилдан 2024 йилгача Тошкент вилояти Кенгаши депутати бўлган.

Бизнинг интервью

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2026 йил “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниб, “Инсон — жамият — давлат” тамойили асосида ишларни янада кучайтириш урғуланди. 2026 йилги давлат дастурини амалга оширишда ННТнинг ролини қандай баҳолайсиз?

— Сўнгги йилларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш бўйича ноёб тизим шакллантирилди. Бу борада нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни стратегик аҳамиятга эга. Бугунги кунда Ўзбекистондаги нодавлат сектор шунчалик жамоат билан ҳамкорлик эмас, балки юқори экспертлик салоҳиятига эга профессионал институтларга айланди. Бизнинг ташкилотларимиз эндиликда лойиҳа бошқаруви, рақамли трансформация ва ижтимоий мониторинг бўйича давлат органларига сифатли таҳлил ва ечимлар тақдим эти оладиган даражага етди. 2026 йилги давлат дастури доирасида ННТнинг роли фақат “ижтимоий кўмак” билан чекланмади. Биз эндиликда инсон капиталини ривожлантириш ва маҳаллабай ишлаш тизимида ижтимоий самарадорликни таъминлаш бўйича драйвер бўлишимиз шарт.

Айнан шу ерда аёллар ва ёшлар бандлиги, оилаларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, ҳуқуқий ва рақамли саводхонликни ошириш каби аниқ масалалар ҳал этилади. ННТ аҳолига яқинлиги ва фаолиятдаги мослашувчанлиги туфайли ижтимоий қаҳриқларга тежкор жавоб бериш ва манзилли ишлаш имкониятига эга. Ишончманки, кучли, профессионал ва ижтимоий масъулиятли ННТ 2026 йил давлат дастурини амалга оширишда ишончли таянч ҳисобланади.

— Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси ва Президентимизнинг “Сунъий интеллект технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ташкилот фаолиятида қандай ўзгаришларга, янгилликларга сабаб бўлди?

— Бу мамлакатимизнинг замон талабларига мос тарзда ривожланиши учун тарихий қадам бўлди. Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси ва Президентимиз Фармони Ўзбекистон ўзининг рақамли келажагини изчил ва ишонч билан шакллантираётганининг яққол тасдиғидир. Биз ушбу ҳужжатларни инновациялар, билим ва тенг имкониятлар даврининг давоми сифатида қабул қилдик.

Бугун сунъий интеллект иқтисодиёт, таълим ва тадбиркорлик ривожига кучли воситага айланмоқда. Энг муҳими, бу жараёнларда аёллар кузатуви эмас, балки фаол иштирокчи ва ўзгаришлар етакчиси бўлиши даркор.

Амалий қадамларга келадиган бўлсак, 2025 йилда “Sharq ayoli” фонди томонидан “Рақамли иқтисодиёт — глобал интеграция учун кўприк” номли халқаро форум ташкил этилди. Унинг доирасида электрон тижорат, сунъий интеллект, маркетинглар билан ишлаш ва молиявий барқарорлик масалалари бўйича тематик сессиялар ўтказилди. Аёллар, айниқса, ногиронлиги бўлган хотин-қизларни

қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Форумда 10 та мамлакатдан халқаро ташкилотлар, бизнес вакиллари ва аёллар етакчилари қатнашди. Маҳорат дарслари ва амалий сессиялар ўтказилди. 2 мингдан ортиқ аёллар онлайн форматда, 30 нафар ногиронлиги бўлган хотин-қиз ва 100 нафар тадбиркор аёл офлайн семинарларда молиявий барқарорлик, ислом молияси ҳамда молиялаштириш имкониятлари, жумладан, “Анор” банки орқали маблағ жалб қилиш масалалари бўйича иштирок этди. Лойиҳаларимиз доирасида “темир дафтар” рўйхатидаги ва тадбиркор аёлларнинг 5 мингдан зиёди бепул ўқитилди. Энг муҳими, аёллар рақамли иқтисодиёт улар учун очик эканлини ҳис қилди.

— Жамғарма қандай таълимий лойиҳаларни амалга оширмоқда?

— Фондимиз Мактабгача ва мактаб таълими вазирига кўмағида хорижий молиялаштиришни жалб этган ҳолда қатор лойиҳалар ижроси устида ишламоқда. Жумладан, қишлоқ мактабларида хорижий тилларни ўрганиш учун интерфаол доскалар, мебель ва компьютер техникаси билан жиҳозланган 11 та замонавий “смарт” синф хоналари ташкил қилинди.

“Sharq ayoli” фонди тузилмасида ҳуқуқий, ижтимоий, молиявий ва инновацион департаментлар доимий фаолият юритади. Улар аёллар ва бошқа фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатларни тизимли таҳлил этади, қонунларнинг ҳудудлардаги ижросини мониторинг қилади ҳамда давлат органлари учун амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқади. Бизнинг асосий тамойилимиз — танқид учун танқид эмас, балки конструктив мулоқот ва ҳамкорлик.

Россиянинг етакчи олий таълим муассасалари билан имзоланган меморандумлар асосида қишлоқ мактабларининг 250 дан ортиқ битумчилик грант асосида таълим олиш имкониятига эга бўлди.

Фонд таълим соҳасига инновацияларни жорий этишда ҳам фаол. Мисол учун, робототехника бошқарувига мўлжалланган миллий симуляцион платформа ишлаб чиқилмоқда, физика, кимё ва биология фанлари бўйича рақамли лабораториялар яратилмоқда, шунингдек, “Cyber Park” худудида робототехника олимпиади очилди.

Инфратузилмавий лойиҳалар борасида эса Тошкент шаҳридаги 180 ва 94-умумтаълим мактаблари замонавий жиҳозлар билан таъминланаётганини, хусусан, Жанубий Кореянинг “Good Neighbors” фонди молиялаштириши асосида Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида 240 ўринли янги мактаб биноси қурилаётганини айтиш мумкин. Шунингдек, Жиззаҳ вилоятининг Зомин туманидаги 4-умумтаълим мактабиди, Ҳўжайли тумани ва Нукус шаҳрида жойлашган церебрал фалаж ва эшитиш нуқсонли бўлган болалар таълим оладиган мактаб-интернатларда 10 — 12 кВт қувватга эга қуёш панеллари ўрнатилди. 16-оилавий поликлиника ҳам 10 кВт қувватли қуёш панеллари билан таъминланди.

— Ортимизда аёллар манфаатларини ҳимояловчи қатор қонулар қабул қилинди. Уларнинг муваффақият-



ли ижроси жойлардаги масъулла фаолиятига боғлиқ. Муассасангиз жамоатчилик назоратида қанчалик фаол қатнашмоқда?

— “Sharq ayoli” фонди тузилмасида ҳуқуқий, ижтимоий, молиявий ва инновацион департаментлар доимий фаолият юритади. Улар аёллар ва бошқа фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатларни тизимли таҳлил этади, қонунларнинг ҳудудлардаги ижросини мониторинг қилади ҳамда давлат органлари учун амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқади. Бизнинг асосий тамойилимиз — танқид учун танқид эмас, балки конструктив мулоқот ва ҳамкорлик. Аёллардан келиб тушган тақлифлар парламент, тегишли вазирилик ҳамда идоралар, шунингдек, маҳаллий ҳокимият органларига расман юборилади.

Шу билан бирга, ишчи гуруҳларимиз жамоатчилик ашигувлари ва экспертлик муҳокамаларида фаол қатнашди. Фонд фаолиятида жамоатчилик назорати сертификатланган мутахассислар томонидан амалга оширилади. Ходимларимиз давлат харидлари, меҳнат қонунчилиги, бюджет адвокати ҳамда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун ижроси бўйича махсус тренинглардан ўтган. Тадқиқот ташаббусларини ишлаб чиқиш, илғор тажрибалар ва технологиялар трансферини йўлга қўйиш юза-сидан ҳам тажрибамиз бор. Лойиҳаларга нафақат маҳаллий, балки хорижий экспертлар ҳам жалб этилади.

Гендер лойиҳаларини амалга оширишда биз, асосан, Сенат, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси, Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди билан ҳамкорликда иш олиб борамиз.

Амалий натижаларга тўхталсак, ўтган йили аёлларнинг фуқаролик жамиятидаги иштирокини ошириш концепцияси учун 10 та тақлиф ишлаб чиқилди. Шунингдек, “Аёл ва рақамли иқтисодиёт” лойиҳаси доирасида солиқ қонунчилигини такомиллаштириш, аёл тадбиркорлар учун электрон савдо субъекти марказини кенгайтириш, солиқ имтиёзларини қўллаш механизмларини кучайтириш ҳамда кичик ва микро-бизнес субъектлари градациясини такомиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрланди.

— “Sharq ayoli”нинг стратегик мақсади нима ва бугунги шароитда ташкилот қанчалик барқарор?

— Биз учун молиявий барқарорлик — бу мустақиллик, ишонч ва узоқ мuddатли ривожланиш асоси. 1999 йилдан, яъни ташкил этилганидан бундан 1-ўринни эгалладик. Шу йилнинг 16 февралда эса “TAQDEER — 2025” халқаро танловнинг шорт-листига киритилиб, халқаро эътирофга сазовор бўлдик.

— Яқин беш йилда фонд ривожини қандай тасаввур қиласиз? Ва сизнингча, муваффақиятли аёл-лидер форумлари қандай?

— Яқин беш йилда узоқ мuddатли йўналишларни янада кучайтиришни режалаштирганимиз. Хусусан, “Ўзбекистон XXI аср рақамли форматда”, “Аёл ва рақамли иқтисодиёт”, аёллар саломатлиги соҳасидаги лойиҳалар, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, оғир вазиятга тушиб қолган инсонларни қўллаб-қувватлаш ва бошқа маърифий, гуманитар ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилади.

Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази билан ҳамкорликда мактаб ўқувчиларини тестдан ўтказиш учун сунъий интеллект асосида ишловчи Миллий онлайн психологик хизмат платформасини жорий қилиш шартлари ишга туширилди.

“NASM.UZ” стартапи Президентимизнинг “Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш тизimini тақомиллаштириш ҳамда ушбу соҳада парламент назоратини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонини амалий жиҳатдан рўйбга чиқариш мақсадида ишлаб чиқилган.

Оила ва хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда “Аёллар учун 360 имконият” дастурини ривожлантириш, фонд ва Тошкент давлат транспорт университети ўртасида имзоланган меморандум доирасида инновацион лойиҳаларни ривожлантириш, Қорақалпоғистонда 20 дан 45 ёшгача бўлган аёллар учун кўчма маммограф ёрдамида бепул маммография ўтказиш шартларини ўзгартириш, Шунингдек, Мудофаа вазириликнинг иختисослаштирилган мактаблари базисида “Ўзбекистон ватанпарвари” маърифий-тарбиявий лойиҳасини амалга ошириш бошланди.

Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтириш ва аёлларимизнинг глобал тараққиётда фаол иштирокчи сифатидаги ижобий имижини мустаҳкамлаш мақсадида фонд яна бир неча стратегик ташаббусларни илгари суради. Тошкент шаҳрида Бутунжаҳон хайрия жамғармалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари конгрессини ўтказиш, Шимол ва Жануб, Фарб ва Шарқ мамлакатлари ташкилотларини “Тинчлик, ҳамжихатлик ва ҳар бир оилга фаровонлик!” шиори остида бирлаштирувчи доимий фаолият юритувчи халқаро платформани яратиш шулар жумласидан.

Айни пайтда фондимиз 34 та лойиҳаларни амалга оширмоқда. Ушбу лойиҳалар бир-бирини тўлдирди ва янгона ривожланиш тизimini шакллантирди. Биз учун ходимларнинг маънавияти алоҳида аҳамиятга эга. Фаолиятимиз замирида Ватанга садоқат ва ватанпарварлик туйғуси муҳассам. Биз ҳар бир лойиҳани юртимиз тараққиёти, жамият фаровонлиги ва келажақ авлодлар манфаати йўлида амалга оширишни шараф деб биламиз.

Назаримда, муваффақиятли аёл-рахбар формуласи учта асосий тамойилга асосланади: ватанпарварлик, профессионализм ва миллий кадриятлар. Аёл-рахбар стратегик фикрлаш қобилиятига эга бўлиши, ноаниқлик шароитида ҳам тўғри қарор қабул қилиши ва натижа учун масъулиятни ўз зиммасига олиши лозим. Шу билан бирга, одамларни эшитиш, ҳамкорликларини йўлга қўйиш ва бошқаларнинг ўсиши учун имкон бериш зарур. Ҳақиқий лидерлик фақат мақсадларга эришиш эмас, балки янги етакчилар шаклландиган муҳитни яратишдир. Муҳими, Янги Ўзбекистонда бундай орзу-ниятлар рўёби учун барча шарт-шароит яратилган.

— Мазмуни сўхбатингиз учун ташаккур.

Мунисхон КАРИМОВА («Халқ сўзи») сўхбатлашди.

лақати қатнашган танловда “Энг яхши халқ дипломатияси” номинацияси бўйича 1-ўринни эгалладик. Шу йилнинг 16 февралда эса “TAQDEER — 2025” халқаро танловнинг шорт-листига киритилиб, халқаро эътирофга сазовор бўлдик.

— Яқин беш йилда фонд ривожини қандай тасаввур қиласиз? Ва сизнингча, муваффақиятли аёл-лидер форумлари қандай?

— Яқин беш йилда узоқ мuddатли йўналишларни янада кучайтиришни режалаштирганимиз. Хусусан, “Ўзбекистон XXI аср рақамли форматда”, “Аёл ва рақамли иқтисодиёт”, аёллар саломатлиги соҳасидаги лойиҳалар, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, оғир вазиятга тушиб қолган инсонларни қўллаб-қувватлаш ва бошқа маърифий, гуманитар ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилади.

Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази билан ҳамкорликда мактаб ўқувчиларини тестдан ўтказиш учун сунъий интеллект асосида ишловчи Миллий онлайн психологик хизмат платформасини жорий қилиш шартлари ишга туширилди.

“NASM.UZ” стартапи Президентимизнинг “Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш тизimini тақомиллаштириш ҳамда ушбу соҳада парламент назоратини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонини амалий жиҳатдан рўйбга чиқариш мақсадида ишлаб чиқилган.

Оила ва хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда “Аёллар учун 360 имконият” дастурини ривожлантириш, фонд ва Тошкент давлат транспорт университети ўртасида имзоланган меморандум доирасида инновацион лойиҳаларни ривожлантириш, Қорақалпоғистонда 20 дан 45 ёшгача бўлган аёллар учун кўчма маммограф ёрдамида бепул маммография ўтказиш шартларини ўзгартириш, Шунингдек, Мудофаа вазириликнинг иختисослаштирилган мактаблари базисида “Ўзбекистон ватанпарвари” маърифий-тарбиявий лойиҳасини амалга ошириш бошланди.

Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтириш ва аёлларимизнинг глобал тараққиётда фаол иштирокчи сифатидаги ижобий имижини мустаҳкамлаш мақсадида фонд яна бир неча стратегик ташаббусларни илгари суради. Тошкент шаҳрида Бутунжаҳон хайрия жамғармалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари конгрессини ўтказиш, Шимол ва Жануб, Фарб ва Шарқ мамлакатлари ташкилотларини “Тинчлик, ҳамжихатлик ва ҳар бир оилга фаровонлик!” шиори остида бирлаштирувчи доимий фаолият юритувчи халқаро платформани яратиш шулар жумласидан.

Айни пайтда фондимиз 34 та лойиҳаларни амалга оширмоқда. Ушбу лойиҳалар бир-бирини тўлдирди ва янгона ривожланиш тизimini шакллантирди. Биз учун ходимларнинг маънавияти алоҳида аҳамиятга эга. Фаолиятимиз замирида Ватанга садоқат ва ватанпарварлик туйғуси муҳассам. Биз ҳар бир лойиҳани юртимиз тараққиёти, жамият фаровонлиги ва келажақ авлодлар манфаати йўлида амалга оширишни шараф деб биламиз.

Назаримда, муваффақиятли аёл-рахбар формуласи учта асосий тамойилга асосланади: ватанпарварлик, профессионализм ва миллий кадриятлар. Аёл-рахбар стратегик фикрлаш қобилиятига эга бўлиши, ноаниқлик шароитида ҳам тўғри қарор қабул қилиши ва натижа учун масъулиятни ўз зиммасига олиши лозим. Шу билан бирга, одамларни эшитиш, ҳамкорликларини йўлга қўйиш ва бошқаларнинг ўсиши учун имкон бериш зарур. Ҳақиқий лидерлик фақат мақсадларга эришиш эмас, балки янги етакчилар шаклландиган муҳитни яратишдир. Муҳими, Янги Ўзбекистонда бундай орзу-ниятлар рўёби учун барча шарт-шароит яратилган.

— Мазмуни сўхбатингиз учун ташаккур.

Мунисхон КАРИМОВА («Халқ сўзи») сўхбатлашди.

Қоракўлда тайёрланган маҳсулот Нью-Йоркда сотилмоқда

Бухоро вилоятининг чекка туманларидан саналган Қоракўлда ишлаб чиқарилаётган спорт либосларининг бозори чаққон.

Экспорт

“Хўжалар” кичик саноат зонаси худудида фаолият юритаётган “Parvoz fayz plus baraka” масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган бу маҳсулот ўзининг ҳаво ўтказувчанлиги, англо-лиги билан ажралиб туради. Харидор эса, одатда, айнан шундай сифатли ва қулай, нисбатан арзон маҳсулотни танлайди.

АҚШ бозорини синчиклаб ўрганиш жараёнида бундай либосга йилига 100 млн. доллар миқдориди талаб борлиги аниқланди. Пировадидида “Parvoz fayz plus baraka” мегаполис шаҳар — Нью-Йоркда савдо уйини очди. Айни пайтда корхонанинг “NAJ TEX” бренди остида тайёрланган спорт либоси шу савдо шохобчаси орқали сотувага чиқарилмоқда.

Аттиги бир йил муқаддам иш бошлаган маъруз корхона банк томонидан ажратилган 4,5 млрд. сўм миқдоридида кредит маблағидан самарали фойдаланиб, цехларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаб, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Тинимсиз изланиши эса унга ташқи бозордан ўз ўрнини топиш имконини юзага келтирмоқда. Корхонада 400 тадан зиёд иш ўринлари яратилгани ҳам эътиборга молик.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Тўтзорлар пиллачилик ривожининг пойдевори

Пиллачилик мамлакатимизда иқтисодий аҳамияти катта тармоқлардан. Илмий ёндашулар асосида соҳада замонавий технологиялардан унумли фойдаланиш натижасида бир вақтлар йил давомида фақат бир марта ҳосил йиғиб олинган бўлса, ҳозирда бу уч мартагача етди.

Омилкорлик

Пиллачиликдаги бундай ютуқлар тўтчилик ҳам туб бурилишларга сабаб бўлди. Зеро, ипак куртининг асосий озуқаси бўлиши дарахтининг иқлимга мос янги навларини яратиш орқали ҳосилдорлиги ҳамда сифат даражасини ошириш мумкин. Бу борада Марҳамат туманидаги “Ипак кўчат” кластерида йўлга қўйилган ишлар эътиборга молик.

— Тўт кўчатлари аънавий усулда пайвандлаш ёки уруғ орқали ўстирилса, кластердаги “In-vitro” лабораториясида тирик ҳужайралардан фойдаланиб, кўчатчиликни ривожлантириш тажрибаси амалга оширилаётган, — дейди кластер раҳбари Абдуфаттоҳ Муслимонкулов. — Эътиборлиси, бу усул кўчатларни касалликларга чидамли ва иқлим шароитига мос етиштириш имконини ҳам беради. Қолаверса, аънавий пайвандлаш орқали бир гектар майдонда 50 минг туп кўчат олинади, уруғ орқали бу кўрсаткич 250 минг тупгача етади. “In-vitro” лабораториясида эса ҳар 21 кунда 600 минг туп ниҳол ундириш мумкин. Дастлабки ҳисоб-китобга кўра, янги усулда ўстирилган кўчатлар сони бир йилда 10 млн. 200 минг тупни ташкил этади.

“In-vitro” усули орқали парваришланган кўчатлар юқори ҳосилдорлиги, турли касалликларга чидамлилиги, мустаҳкам ва маҳаллий шароитга тез мослашувчанлиги билан ҳам аҳамиятли. Ҳозирда кластер лабораториясида тутнинг икки хил дургай нави яратилди. Дунёнинг 16 давлатидан олиб келинган 240 турдаги тўт кўчатларининг коллекцияси барпо этилди. Бу эса маҳаллий шароитда янги тур навларини яратиш ва уларни синовдан ўтказиш имконини беради.

Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг аъзоси Анвархон Темуровга волидаи муҳтарамаси Хизира НОСИРОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор этади.

«Асахий books» лойиҳаси доирасида Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона ёнида навбатдаги зиё маскани ишга туширилди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 23 803 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Гезетанинг ҳақиқий маълумотларини оқибатда олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган қўб-маълумотлар таҳрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезетанинг мустақил берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Гезета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Гезетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Ф. Бахромова.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

“Шарқ” нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.05 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6